



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 6935-0663-b956-8b1b-eda9-1874-6401
Хужжат яратилинган сана: 2023-01-07
Ариза рақами: 63512908

Хужжат берилган: "S-S-B" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN
JAMIYAT
СТИР: 306298090

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг

07.01.2023 даги 62789 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	63512908
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"S-S-B" МЧЖ
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"SOFIYUN TORG" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Учтепа тумани, 26-мавзе, Шайхзода кўчаси, 9А-уй манзилида.
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Объект:Мавжуд "Қандолат ва макарон махсулотларини ишлаб чиқариш комбинати ва болалар, хасталар гигиена воситаларини ишлаб чиқариш цехи ҳамда кўргазмалар зали биноси" ни, "Пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган кўп хонадонли турар - жой бинолари" сифатида ихтисослаштириб, реконструкция қилиш. Адрес:Учтепа тумани, 26 - мавзе, Шайхзода кўчаси, 9 А - уй манзилида Заказчик:"SOFIYUN TORG" масъулияти чекланган жамияти.
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	АПЗ№1726-1726262-47999 от 09.08.2022

Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изоҳ
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	

3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	
7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Кўшимча маълумотлар: 23/32- 1473 “03” ноябрь 2022 йил ДХМга ва Султанов Собиржон Бахшиллаевичга. Х У Л О С А Учтепа тумани фавқулудда вазиятлар бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кундаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-илова маъмурий регламентига асосан Лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш юзасидан ЯИДХПдан келиб тушган 63512908-сонли мурожаатда “S-S-B” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан Учтепа тумани, 26 - мавзе, Шайхзода кўчаси, 9 А - уй манзилида Мавжуд "Қандолат ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш комбинати ва болалар, хасталар гигиена воситаларини ишлаб чиқариш цехи ҳамда кўргазмалар зали биноси" ни, "Пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган кўп хонадонли турар - жой бинолари" сифатида ихтисослаштириб, реконструкция қилиш эскиз лойиҳасини хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқиб - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова 15.* Тор кўчалар ва пиёда йўл-ларни лойиҳалашда ўт ўчириш машиналарининг турар жой ва жамоат биноларига, шу жумладан, ичига ва ёнига қурилган хоналари бўлган биноларга етиб бориши имконини ва ўт ўчирувчиларнинг автозиналар ёки автокўтаргичлардан исталган хонадан ёки хонага ета олишини таъминлаш лозимлиги кўрсатилган бўлиб ушбу бандга қатъий риоя қилиниши, Бу зонада тўсиқлар, электр узатиш ҳаво линияларини жойлаш-тириш ва дарахтларни қатор қилиб ўтқозиш мумкин эмас. Кириш йўллари бўлмаган биноларнинг олд томонлари бўйлаб эни 6 м бўлган ўт ўчириш машиналари ўтишига яроқли йўлларни уларнинг қоплама ёки тупроққа йўл қўйиладиган босишини ҳисобга олган холда амалга оширилиши; - Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрьдаги 649 сонли қарори 9-иловасига асосан Транспорт воситаларини сақлаш учун ёпиқ турдаги бинолар ер остида, қаватлар сонидан қатъи назар, Майдонидан қатъи назар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан таъминлансин ва лойиҳалансин Ушбу талаб идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва идоралар учун мажбурийдир. - ШНҚ 2.08.01-2019 Турар жой биноларининг 5.9 банди талабларига риоя қилинмаганлиги, (бунда: Биноларда 150м ораликда транспорт ўтадиган эни 3,5 м дан, баландлиги 4,25 м дан кам бўлмаган йўлаклар кузда тугилиши керак. Зинапоя бўлмаларида утиш йўлаклари хар 100 М масофада

жойлашган бўлиши керак. Транспорт утиш йўлакларини икки карама-карши томонида ут учирини гидрантлари ўрнатилганда, зинапоя бўлмаларида утиш йўлаклари бўлмаслиги мумкин. ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг №1-иловининг (мажбурий) №1-жадвали талабларига асосан ажратилаётган ҳудудда қурилиши мўлжалланган бино қўшни ҳудудда мавжуд бўлган турар ва нотурар бинолари билан оралиқ масофаларни сақланиши, КМК 2.03.10-19 Томлар ва том қопламаларнинг 2.25 банди 3 ва ундан юқори қаватли турар жой бинолари томларнинг периметри бўйлаб тўсиқ ўрнатилиши. Ушбу норма ва қоидаларни бартараф этиб келгусида қуйидаги таклифларга риоя қилган ҳолда лойихалаш ишлари амалга оширилсин. - ШНҚ 2.01.02.04 Бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги нинг 5.9 Ертўла ва цоколқаватдан эвакуация хисобланадиган чиқиш йўллари, одатда, бинонинг умумий зина катакларидан алоҳида, бевосита ташқарига чиқиши назарда тутилиши лозим., 5.13 бандига талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли рад этилди. Ушбу кўрсатиб ўтилган таклифларни бартараф этиб қуйидаги норма ва қоидаларга риоя қилган ҳолда лойихалаш тавфсия этилади жумладан: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг №1-иловининг (мажбурий) №1-жадвали талабларига асосан ажратилаётган ҳудудда қурилиши мўлжалланган бино қўшни ҳудудда мавжуд бўлган турар ва нотурар бинолари билан оралиқ масофаларни сақланиши - ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” ҳужжатининг 2-жадвалига кўра, бинонинг конструктив элементларнинг ёнғинга бардош бериш даражаси II-дан кам бўлмаслиги; - ҚМК 2.04.02-19 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” ҳужжатининг 8.41-бандига асосан, ушбу ҳудудда 100 мм.дан кам бўлмаган ташқи сув тармоғи ўтказилиб, керакли миқдорда ер ости сув олгичлар ўрнатилишини; - Ёнғинни автоматик равишда сезиш ва хабарлаш қурилмаларининг бошқариш ускунаси туну-кун одамлар мавжуд хонага жойлаштирилиши. ШНҚ 2.04.09-2007; - ҳар бир чиқиш эшиги йўналишида авария ҳолатида ишловчи тизимга уланган “Чиқиш”, “Exit” белгилари ўрнатилиши лойиха смета ҳужжатларида келтириб ўтилсин ва Умумий тушунтириш хатида акс эттирилсин 11-илова, 1-жадвал ШНҚ 2.04.09-2007; - Ички ёнғин ўчириш сув манбаининг жўмраклари, ҳамда жўмраклари енг, дастак, енглари улагичлари ва махсус қутилари билан тўлиқ таъминланиши лойиха смета ҳужжатларида келтириб ўтилсин ва Умумий тушунтириш хатида акс эттирилсин. ҚМК 2.04.01-98; - ёнғингарчилик сувларини бехатар кетиши бўйича объект ҳудудининг ирригация-дренаж тизими лойҳасини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши; - ажратилаётган ҳудудда режалаштирилаётган қурилиш ишларнинг бош тарҳи ҳамда ишчи лойихаси амалдаги меъёр ва андозаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилишини, сўнг мазкур ишчи лойиха ҳужжатлари ёнғин хавфсизлиги бўйича мажбурий экспертизадан ўтказилишини. Қурилиш ишлари режалаштирилган ҳудуди бўйича бош тарҳи ва ишчи лойиха ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг, қурилиш ишлари бошланмасдан олдин ўрганиб чиқиш учун тақдим этилиши тавсия этилади. Юқорида кўрсатилган тадбирларга амал қилган ҳолда Архитектура режалаштириш топшириғи ва кўп қаватли турар жой биноси қурилиши бўйича ишчи лойихалари ишлаб чиқилиши, ШНҚ 1.03.01-16 меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиха ҳужжатларини барча бўлимларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилиши таъминланиб, “Шаҳарсозлик” кодексининг 60-моддасига риоя қилинсин ҳамда Ушбу кўрсатиб ўтилган ёнғин ва фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган тадбирлар, лойихаларга киритилиши ва улардан бири бажарилмаган тақдирда, ушбу хулоса ўз кучини йўқотган хисобланади. ФВБ бошлиғи А.С.Турсунов;

Худудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;


Кўшимча маълумотлар: Учтепа тумани СЭО ва ЖС булими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кундаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-илова маъмурий регламентига асосан Лойиха-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш юзасидан ЯИДХПдан келиб тушган 63512908-сонли мурожаатда “S-S-B” МЧЖ лойиха ташкилоти томонидан Учтепа тумани, 26 - мавзе, Шайхзода кўчаси, 9 А - уй манзилида Мавжуд “Қандолат ва макарон махсулотларини ишлаб чиқариш комбинати ва болалар, хасталар гигиена воситаларини ишлаб чиқариш цехи ҳамда кўрғазмалар зали биноси” ни, “Пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси

бўлган кўп хонадонли турар - жой бинолари" сифатида ихтисослаштириб, реконструкция қилиш эскиз лойиҳасини хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади. Ўзбекистон Республикасининг "аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш" номли 0339-сонли санитария қоидалари ва меъёрларининг 33-бандига асосан асосан баландлиги 2-4 қават бўлган турар-жой бинолари оралиғидаги масофа 25 метрдан, 9-қаватли бинолар узун томонлари ўртасидаги масофа 40 метрдан ва ушбу биноларнинг узун томонлари ва яшаш хоналарида деразалари бўлган ён томонлари учун 15 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши ҳамда ушбу СанҚ ваМ 22.1-22.4 бандларига асосан инсоляция меъёрлари таъминланиши, 40.1-жадвалига асосан мактабгача ёшдаги болалар майдончалари турар жой биноларидан 15-20 метр, катта ёшдаги одамлар дам олиш жойлари турар жой биноларидан 5-10 метр, спорт машғулотлари билан шуғулланадиган майдончалар турар жой биноларидан 30-40 метр масофада ва 49.11.1-жадвалига асосан 10 ва ундан кам автомобиллар сақланадиган автотураргохлар турар жой бинолари ва шу жумладан ойнасиз ён томонларидан 10 метр масофада, 11-50 тагача 15-12 метр масофада, 51-100 тагача 25-15 метр масофада, 101-300 тагача 50-25 метр масофада жойлаштирилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари "Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли худудларини қаттиқ маиший чиқиндилардан тозалаш тўғрисида"ги санитария қоидалари ва меъёрларининг 3.4-бандига асосан чиқиндиларни йиғиш майдончалари ва контейнерлар турар жой биноларидан 20 метр масофада жойлаштирилиши белгилаб қўйилган. Юқорида қайд этилган меъёрий талабларни инобатга олиб, Учтепа тумани 26-мавзе 9а-уй манзилида жойлашган "Sofiyun torg"МЧЖ худудида ер ости автотураргохига эга бўлган, пастки қаватлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлган кўп қаватли турар жой биноси лойиҳаси атрофдаги биноларнинг фаолиятидан келиб чиққан холда тегишли санитар химоя минтақасини сақлаш шарти билан келишиб берилди.;

Бош архитектор: Ш.К.Дусмухамедов;

ОБЪЕКТ: МАВЖУД "ҚАНДОЛАТ ВА МАКАРОН МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ВА БОЛАЛАР, ХАСТАЛАР ГИГИЕНА ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ ҲАМДА КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИ БИНОСИ" НИ,
 "ПАСТКИ ҚАВАТЛАРИДА САВДО ВА МАЙШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЖМУАСИ БЎЛГАН КЎП ХОНАДОҒЛИ ТУРАР - ЖОЙ БИНОЛАРИ" СИФАТИДА ИХТИСОСЛАШТИРИБ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ.


БОШ РЕЖА ВА ХОЛАТ КУРИНИШИ



ДЕВОЛ ТАРХИ, КИРИКИМ, ОЛД ВА ЁН КУРИНИШЛАР



УМУМИЙ КУРИНИШЛАР



1. Хулоса берувчиларнинг хулосаларида кўрсатилган талабларни бажариш, тегишли ер майдони чегарасида чикмаслик, қўшни ер участкалари эгалари билан лойихани келишиш ва қўшни биноларига нисбатан оралик масофани сақлаш, лойихани ШНҚ 2.08.01-05 талабларига мувофиқлаштириши мақсадида бино қаватини 9 қаватдан оширмаслик ва ички тархнини қўшимча ишлаб чиққан ҳолда лойиха ишларини давом эттириш.
 2. Лойихани атроф ҳудуд билан бирга умумий бош режа концепциясини ишлаб чиқилиб қўшимча "Тошкентбошплан.ЛИПН" институти, Тошкент шаҳар фавкулотда вазиятлар бошқармаси ва Тошкент шаҳар Давлат санитария ва эпидемиология осоишталик маркази билан келишиш талаби белгилансин.
- Қурилиш режалаштирилган бинода углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайитириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини ҳам инobatга олиш, тавсия этилади.
3. Юқорида белгиланган талаблар бажарилмаган тақдирда ушбу хулоса ўз кучини йўқотиши ҳақида огоҳлантирилсин.

DUSMUXAMEDOV SHOVKAT KAMILDJANOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини hero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

